


“Хар кунинг Наврўз бўлсин,  
жонажон Ўзбекистоним!”

Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir



# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash

N 11 (1445)  
2023 YIL  
16 MART

ZDRAVOOXRANENIE UZBEKISTANA

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ОКТЯБРЬ ОЙИДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • @UZSSGZT, UZSS@YANDEX.RU



t.me/uzbekistonasog'liqisqlash

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2023 йил 14 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди

Сенаторлар “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Жорий йил 10 март куни Қонунчилик палатаси мажлиси ўтказилиб, унда Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдумни тайинлаш ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарорда, унинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш учун уни Конституциявий судга юбориш ва унинг ҳуласини олиш ҳам белгиланган эди.

Конституциявий суд жорий йил 13 март куни ўз мажлисини ўтказиб, юқоридаги қарорни ўрганди ва уни Конституцияга мувофиқ деб топди. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғри-

сида”ги Қонунга мувофиқ, Конституциявий қонун лойиҳаси Сенатда кўриб чиқилди.

Мажлисида, таъкидланганидек, конституциявий ислохотлар мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган туб ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, уларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратади ҳамда Асосий қонуни-мизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка ва шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштиради.


**ХАЛҚИМИЗНИНГ, ЭКСПЕРТ  
ВА МУТАХАССИСЛАРНИНГ  
ТАКЛИФЛАРИ, ХАЛҚАРО ВА  
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ  
ТАЖРИБАСИ ИНОБАТГА  
ОЛИНГАН**

“Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши керак” гоёси

Давоми 2 - бетда ▶



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ



Наврўз руҳи ва фалсафаси Инсонга зотибор ва сифатли таълим йилининг гоҳ ва мақсадлари билан қўғур ва ҳамоҳанг равишда намоён бўлмоқда. Фортимизнинг барга жонқуяр, фидойи, теҳнатсевар ҳамда теҳрибон халқини шарқ миллий байрами Наврўз айёми билан тин қалбимиздан нубораквод эitamиз.

Наврўз — кириб келаятган йил боши илоҳим юртимизга қўй-баракка, халқимизга тинчлик, хотиржамлик ва фаровон ҳаёт олиб келсин. Ҳар бир хонадон бахт ва қувонг кўрганга айлансин!

### ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Шу кунларда янгилашим, яшарим ва гўзаллик байрами, деҳ қот олган, ҳар биримизнинг кўнглимизга баҳорий илиқлик ҳамда гўзалликни олиб кираётган сеvimли байрамимиз — Наврўз тўғрисида она-табиат янада тирой оғмоқда.

Сиз, азиз тиббиёт ходимларини Наврўзи айём билан тин юракдан нубораквод эitamиз. Байрам шукр ҳезиб юрган қишқу нурли наҳзаларда баргангизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт қу саодат, қилаётган эзгу ишларингизга фойзу ба-роқат тилаймиз.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

← Давоми. Боши 1 - бетда

асосида Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаси ўтказилиб, жами аҳолидан уни такомиллаштириш бўйича 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушган ва уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олган.

Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида БМТ, ЕХХТ, ШХТ, ЕИ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган 400 дан ортик халқаро ҳужжатлар, 190 га яқин мамлакатлар конституциялари пухта таҳлил этилди.

Конституциявий қонун лойиҳаси халқаро эксперт ва мутахассислар иштирокида бир неча бор муҳокама қилинди, 10 га яқин хорижий ва халқаро экспертлардан ўтказилиб, улар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ БЎЙИЧА ҚАТЪИЙ НОРМАЛАР КИРИТИЛМОҚДА

Илк маротаба Конституцияда Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат эканлиги ўзгармас қоида сифатида мустаҳкамланмоқда. Ушбу қатъий норма жонажон Ватанимиз мустақиллигини асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, “Инсон кадрлари учун” тамойилига асосланган ислохотларни жадал давом эттириш ҳамда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга қаратилган.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА АҲИЛ ҚЎШНИЧИЛИК ВА СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИККА СОДИҚ ҚОЛАДИ

Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик принциплари билан бир қаторда давлатлар ҳудудий яллитлиги принципнинг ҳам эътироф этилиши юртимизнинг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган ғояларига содиқ ишончли ҳамкор сифатидаги мавқеини янада оширади.

Сенаторлар томонидан қўшниларимиз билан орамиздаги 25 йиллик “музни эритиш” осон бўлмагани, бу жуда катта сиёсий ирода, машаққатли меҳнат талаб этгани, биргина қардош Қирғизистон билан 30 йиллик чегара муаммоси ечилгани ҳисобига, 2 миллиондан зиёд водий аҳолиси ўз яқинлари ва қа-

риндош-уруғлари билан эркин борди-келди қилиш имконига эга бўлгани алоҳида таъкидланди.

## ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДАВЛАТНИНГ ОЛИЙ МАЖБУРИЯТИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Лойиҳада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мажбурияти сифатида муҳраб қўйилмоқда. Сенаторлар ушбу норма бутун Конституция мазмунига сингдирилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар, давлат органлари ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилайди, деб акс эттирилмоқда.

Шу билан бирга инсон ва давлат органлари ўртасидаги юзага келадиган ноаниқликлар инсон фойдасига талкин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгилашмоқда. Ушбу қоидалар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлайди, давлат идораларининг ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда амалга оширишда масъулиятини оширади ҳамда инсонга меъридан ортик ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишининг олдини олади.

Лойиҳада “инсон-жамият-давлат” тамойили асосида инсон ҳуқуқлари борасидаги нормалар қарийб 3,5 бараварга кўпаймоқда. Хусусан, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, ҳар бир шахс ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақлалиши ҳуқуқига эга эканлиги, ушбу ҳуқуқнинг чекланиши ва турар жойда тинтув ўтказишга фақат суд қарорига асосан йўл қўйилиши ҳақида жиноят процессида шахс дахлсизлиги кафолатларини мустаҳкамловчи норма киритилмоқда.

Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши илк маротаба Конституция даражасида белгилаб қўйилмоқда.

## ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА БИРДАМЛИК ТАМОЙИЛИГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ БЕЛГИЛАРИ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПДИ

Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб белгилаш – бун-

дан-буён давлатнинг устувор сиёсати ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлашга, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатишга қаратилишидан далолат бериши таъкидланди.

Конституцияда давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробарга ошмоқда, хусусан, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгилашмоқда.

Муҳокамада давлат ўз зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ишга жойлаштиришга, таълим олишига кўмаклашиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини ошириш бўйича мажбуриятини олаётганлиги ҳам ижтимоий давлатга хос эканлиги таъкидланди.

Ҳар бир инсон уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, давлатнинг уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва уй-жойли бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш учун шароитлар яратиш мажбурияти белгилашмоқда.

Сенаторлар томонидан ўтган йили мамлакатимизда 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шароит яратиб берилгани, бу йил 90 минг ҳамда 2-3 йилда 200 минг оилани уй-жойли қилиш режалаштирилганлиги таъкидланди. Ушбу конституциявий норма мазкур марраларга эришиш ва бу борадаги ишларни давом эттириш учун кафолат бўлиши қайд этилди.

## АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мажлисида лойиҳада аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайганлигига, хусусан, илк маротаба ҳар бир инсоннинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи ҳамда аҳолининг кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи Конституция даражасида эътироф этилаётганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат аҳолига бир қатор тиббий хизматларни бепул қўрсатиш мажбуриятини ўз зим-



масига олмақда. 2023 йилда “Кафолатланган хизматлар пакети” қайта кўриб чиқилиб, 20 турдаги касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ қамраб олинди, кўп учрайдиган 20 турдаги касалликлар бўйича бирламчи бўғиндаги бепул анализ турлари – 15 тадан 25 тагача, текширувлар – 10 тадан 20 тагача, дорилар – 64 тадан 90 тага оширилиши таъкидланди.

## ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАР – КОНСТИТУЦИЯ ҲИМОЯСИДА

Лойиҳада илк маротаба олий таълим ташкилотларига академик эркинлик берилиши, нодавлат таълим ташкилотлари қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги қоидалар киритилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олиндиши кафолатланмоқда. Сенаторлар 2017 йилгача олийгоҳларга кириш учун давлат грантлари сони фақат қисқариб келганлиги, охириги олти йилда бу борадаги аҳвол бутунлай ўзгариб, грантлар сони 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Сенаторлар ушбу нормалар ёш авлоднинг замонавий мутахассисликларни эгаллаши, олий маълумотли бўлиши, таълим тизимини барқарор ривожланиши учун шароит яратишга қаратилган муҳим қоидалар белгилашганлигини алоҳида таъкидладилар.

Шу билан бирга алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва тарбиянинг ташкил этилиши, уларни ҳамма қатори умумий мактабларда ҳам ўқишини йўлга қўйилиши Янги Ўзбекистонда инсон кадрлари таъминининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Лойиҳада давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлан-

тириш учун шарт-шароитлар яратиши ва бошланғич профессионал таълим бепул эканлиги ҳам белгилашмоқда. Муҳокамада сўнги олти йилда болаларнинг боғча билан қамрови 27 фоиздан 70 фоизга ошгани ҳамда Конституцияга киритилаётган янги нормалар бу борада янги марраларга эришиш имконини бериши таъкидланди.

Сенаторлар томонидан ўқитувчилар шаъни ва кадр-кимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш борасидаги нормага алоҳида тўхталиб ўтилди. Мажлисида ушбу норма юртимизда ўтган олти йил ичида ўқитувчиларнинг кадрини кўтариш, унинг нуфузи ва мавқеини юксалтириш бўйича амалга оширилган ишларни мустаҳкамлаши ва ўқитувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва бўйсини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

## МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ТАҚИҚЛАНИШИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Узоқ йиллар давомида жамиятимизда улкан муаммо бўлган ва юртимизнинг халқаро имижига салбий таъсир қилиб келган мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди. 2009 йилдан бери мамлакатимизга тамга бўлиб келган Cotton Campaign халқаро коалициясининг “пахта бойкоти” 2022 йилда бекор қилинганлиги ҳам бу борадаги ишларимизнинг амалий натижаси бўлди.

Сенаторлар болаларнинг баркамол ривожланишига салбий таъсир қиладиган ҳар қандай болалар меҳнатининг тақиқланиши Асосий қонунимизда тўғридан-тўғри ёзиб қўйилаётганлиги ушбу салбий иллатнинг тарихда қолиши учун кафолат бўлишини таъкидладилар.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

← Давоми. Боши 1 ва 2 - бетларда

## БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ ВА ХУСУСИЙ МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ КАФОЛАТЛАНАДИ

Миллий иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилаш ҳамда мулк ҳимоясини янада кучайтириш соҳаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, давлат томонидан бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини таъминлаш, хусусий мулк дахлсизлигини ҳимоя қилишни таъминлаш механизмлари белгиланмоқда.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 бараварга ва даромадни 4 минг АҚШ долларида ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш вазифаси қўйилган. Таклиф этилаётган нормалар ушбу марраларга эришиш ва иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилади.

Лойиҳада мулк дахлсизлиги ва у билан боғлиқ ҳуқуқларнинг таъминланиши давлат томонидан кафолатланиши, мулк ҳуқуқларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлиши, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланмоқда. Бу эса, иқтисодиёт барқарор ўсиши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг эркин фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат яратиши таъкидланди.

## ЁШЛАР, БОЛАЛАР, АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ – ДАВЛАТ ҲИМОЯСИ ОСТИДА БЎЛАДИ

Лойиҳада инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, болалар, ёшлар ҳуқуқлари, оила масалаларига бағишланган кафолатлар кучайтирилмоқда. Хусусан, ёшлар, болалар, аёллар, оила ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси сифатида муҳрланмоқда. Давлат томонидан ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши белгиланмоқда.

Сенаторлар янги Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оши-

риш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ва жамият ишларидаги иштироки учун кенг имкониятлар яратиш борасида дадил қадамлар қўйилганлигини қайд этдилар.

Хусусан, илк маротаба хотин-қизларнинг миллий парламентимиздаги улуши БМТ тавсияларига мос 32 фоизга етди. Аёллар улуши давлат хизматида – 33 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида – 46 фоизни, таълимда – 74 фоизни, тиббиётда – 77 фоизни ташкил этмоқда. 2 минг нафарга яқин аёлларимиз давлат ва жамоат

шилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш юзасидан чоралар кўриши белгиланмоқда.

Мажлисида ушбу конституциявий норма янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида белгиланган 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш, иқтисодиёт тармоқларининг ҳавога чиқардиган зарарли газлар ҳажмини ялпи ички маҳсулот ҳисобида

дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш Ҳукуматнинг энг муҳим вазифалари сифатида белгиланмоқда.

Сенаторлар ўтган 6 йилда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми 25 бараварга ошганлигини, ногиронлиги бўлган шахсларнинг 472 та жамоат бирлашмаси, 150 та миллий маданий марказлар фаолиятини бюджетдан молиялаштириш тизими жорий этилганлигини ва конституциявий нормалар бу бора-

рувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқларининг мақоми, ўзаро муносабатлари тубдан такомиллашмоқда, давлат ҳокимиятининг олий органлари ўрта-сидаги баланс, мувозанат кучайтирилмоқда. Парламент ваколатлари кучайтирилиб, Сенатнинг ҳудудий вакиллик палатаси сифатидаги мақоми такомиллаштирилмоқда.

Амалдаги Конституция бўйича Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 та бўлган бўлса, лойиҳага асосан уларнинг сони 12 та бўлмоқда. Сенатнинг мутлақ ваколатлари амалдаги 14 тадан 18 тага ошмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, илғор хорижий тажриба инobatга олиниб, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш ваколати Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига ўтказилаётганлиги, Бош вазир номзодини Қонунчилик палатасига тақдим қилишдан олдин Президент томонидан барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашув ўтказиш тартиби жорий этилаётганлиги Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш жараёни янада демократлаштирилаётганлиги қайд этилди.

Янгилаётган Конституцияда Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиш, шунингдек, монополияга ва коррупцияга қарши курашиш органлари раҳбарлари Сенат томонидан сайланиши амалиётини жорий этиш таклиф этилаётганлиги қайд этилди.

Махсус хизматлар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлигига номзод бўйича аввал Сенатда маслаҳатлашувлар ўтказилиб, кейин Президент томонидан тайинланиши тартиби жорий этилаётганлиги билдирилди.

Мажлисида Сенатнинг маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига қўмақлашиш ваколатининг Бош қомусда мустаҳкамланаётганлиги маҳаллий Кенгашларга ҳокимнинг раислик қилишига оид тартиб бекор қилинаётган янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитда улар фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этиши, Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифодалайдиган орган сифатида маҳаллий Кенгашлар масъулиятли ва халқчил бўлиши учун масъулиятини ошириши таъкидланди.

Давоми 4 - бетда →



ташкilotларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда.

Сенаторлар лойиҳада аҳолимизнинг 18 миллиондан ортигини ташкил этувчи ёшлар масаласига бағишланган махсус боб киритилаётгани муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида таъкидладилар.

Хусусан, ёшларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш, уларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланиши, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароитларни яратиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олмоқда. Ушбу қоидалар ёшлар ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этиш имкониятини таъминлаши таъкидланди.

## FUQAROLARNING EKOLOGIK HUQUQLARINI HIMOYA QILISHGA OID NORMALAR KONSTITUCIYAVIY MUSTAHKAMLANMOQDA

Фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашга бағишланган махсус ҳуқуқий нормалар, хусусан, давлат томонидан атроф-муҳитни ях-

10 фоизга қисқартириш каби мақсадларга эришиш учун пойдевор бўлиши алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан сенаторлар фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш мақсадида давлат шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шароитлар яратади, деб таъкидладилар.

## FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARI VA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIGA OID NORMALAR YANADA RIVOJLANTIRILMOQDA

Фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақоми конституциявий жиҳатдан янада кучайтирилмоқда, илк маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиб, фуқаролик жамияти институтларига таъриф берилмоқда ва улар фаолияти кафолатлари белгиланмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид

даги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Конституциямизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланмоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш жавобгарликка сабаб бўлиши аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Мажлисида лойиҳадаги ушбу нормалар оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўлиши учун кенг имконият ва кучли ҳимоя тақдим этиши, жамиятда очиқлик, ошқоралик ва қонунчилик муҳитини, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаши, кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, юртимизда сўз ва ахборот эркинлигини янада юксалтириш учун замин ҳозирлаши қайд этилди.

## ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИ ТУБДАН ИСЛОҲ ЭТИЛИБ, ПАРЛАМЕНТАРИЗМ ЯНАДА КУЧАЙМОҚДА

Давлат ҳокимиятини ташкил этиш асослари, қонун чиқа-



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

← Давоми. Боши 1, 2, 3 - бетларда

Сенаторлар томонидан Сенатга қонунчиликка оид таклифларни қонунчилик ташаббуси тартибда қуйи палатага киритиш ҳуқуқи берилаётганлиги юқори палатанинг қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолияти самардорлигини, шу жумладан, халқни қийнаётган масалаларнинг қонуний ечимини ҳал этиш бўйича фаолияти натижадорлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Ялпи мажлисда Сенат таркибини илҳамлаштириш орқали унинг фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида сенаторлар сони амалдаги 100 тадан 65 тага ўзгараётганлиги, бунда Сенатни шакллантиришнинг амалдаги тартиби, шу жумладан, жойлардан тенг вакилликни сақлаб қолиниши муҳокама қилинди. Ушбу норма Сенат фаолиятини мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар моҳиятига монанд модернизациялаш имконини бериши таъкидланди.

**ҲОКИМЛАР ХАЛҚ  
ДЕПУТАТЛАРИ  
КЕНГАШЛАРИГА  
РАҲБАРЛИК ҚИЛМАСЛИГИ  
БЕЛГИЛАНМОҚДА**

Ҳокимларнинг халқ депутатлари

Кенгашларига раҳбарлик қилиш институти тугатиш тўғрисидаги норма ҳокимият ваколатларини бўлиниш принципини маҳаллий даражада татбиқ этишга, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самардорлигини, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга ва ҳудудларда халқ манфаатларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Шу билан бирга, тегишли норматив-ҳуқуқий базани тайёрлаш, маҳаллий вакиллик ва ижроия давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, ушбу тартиб Тошкент шаҳар ва вилоятларда 2024 йилдаги навбатдаги вакиллик органларига сайлов натижалари бўйича, туман ва шаҳарнинг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижро органларига нисбатан 2026 йил 1 январдан қўлланилиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

**СУД ҲОКИМИЯТИ  
МУСТАҚИЛЛИГИ  
КАФОЛАТЛАРИ  
КУЧАЙТИРИЛМОҚДА**

Сенаторлар янги таҳрирдаги Конституцияга судлар фаолияти мустақиллиги

кафолатларини кучайтириш, судьялар дахлсизлиги ва муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича муҳим нормалар киритилаётганлиги одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш учун муҳим кафолат бўлишини таъкидлаб ўтдилар.

Айниқса, судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Давлат бюджетидан амалга оширилиши ва у одил судловни тўлиқ, мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаш кераклиги тўғрисидаги конституциявий норма чинакам адолатли ва мустақил суд тизimini шакллантиришга хизмат қилади.

Фуқароларга суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида Конституциявий судига мурожаат қилиш ҳуқуқининг берилиши мутлақо янги демократик тартиб бўлиб, фуқароларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш имконини беради.

Мажлисда Конституциянинг янги таҳрири ижтимоий, демократик-ҳуқуқий ва чинакам халқпар-

вар давлатчилик асосларини яратиши, аҳоли фаровонлигини ошириши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада юксалтириши ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омил бўлиши ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётида янги даврни бошлаб бериши эътироф этилди.

Мазкур ўзгариш ва қўшимчалар натижасида Конституциянинг моддалари амалдаги 128 тадан 155 тага кўпайиб, нормалари ҳажми 65 фонзга ошди. Ушбу ўзгариш ва қўшимчаларнинг сони ва мазмуни Конституцияни янги таҳрирда қабул қилиш заруратидан далолат бериши таъкидланди.

Муҳокама натижасида сенаторлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги қарор қабул қилиниб, унга кўра референдум 2023 йил 30 апрель кунига тайинланди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Сенати Ахборот хизмати.**

## РЕФЕРЕНДУМ — ХАЛҚ ИРОДАСИНING ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

2023 йил 13 март кунини Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги 3017-IV-сон қарори (иловаси билан) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Суд мажлисини Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов олиб борди. Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Конституциявий комиссия аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ва ходимлари, Конституциявий суд Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, нодавлат нотижорат, илмий ва таълим ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Конституциявий суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни билан Конституцияга ўзгариш киритиш тартибига риоя қилинганлиги, референдумга қўйилаётган Конституциявий

Қонуни лойиҳасида референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар мавжуд эмаслиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан референдум тайинлаш тартибига риоя этилганлиги каби масалалар атрофлича ва ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Хусусан, лойиҳа юзасидан фуқароларнинг фикр ва таклифларини қабул қилиш, умумлаштириш ва уларга жавоб қайтариш механизмлари жорий қилинганлиги, “Meningkonstitutsiyam.uz” электрон платформаси, қисқа рақамли колл-маркази, почта алоқаси, маҳаллалар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижтимоий тармоқлар орқали фуқаролардан 220 мингдан ортиқ таклифлар қабул қилиниб, уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олганлиги таъкидланди.

Мажлисда Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси ва Сенати вакиллари, адлия вазири ҳамда Конституциявий суд Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларининг кўриб чиқилаётган масала юзасидан фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Суд мажлисида Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасини референдумга қўймасдан қабул қилиш ваколатига эга бўлса-да, уни қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганлигига эътибор қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини референдум ўтказиш йўли билан қабул қилиш мамлакат тарихида биринчи марта қўлланилаётганлиги, референдум халқ иродасининг бевоқиф ифодаси эканлиги, референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиши, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир деган конституциявий тамойилга асосланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Конституцияни қабул қилиш халқнинг иродасига ҳа-



вола қилиниши халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини амалга оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Мажлисда эксперт ва мутахассислар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси халқ овоз берганидан кейин тўғридан-тўғри амалга киритилиши, бунда қўшимча ҳужжатлар қабул қилиш, Олий Мажлис томонидан муҳокамадан ўтказиш ёки имзолаш зарурати бўлмаслиги ва бу бевоқиф демократияга оид халқаро стандартларга мос келиши эътироф этилди.

Конституциявий суд “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси ва бандини атрофлича кўриб чиқди. Конституциявий суд томонидан ре-

ферендум тайинлаш тартибига риоя этилганлиги ўрганилганда, Ўзбекистон Республикаси референдуми 2023 йил 30 апрель – якшанба кунини ўтказиш “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонун 14-моддасига мувофиқлигини ҳамда референдум ўтказилишини истисно этадиган ҳолатлар мавжуд эмаслиги ҳақида тўхтамга келди.

Шу билан бирга мажлисда Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш насини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколати ҳисобланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палата-

Давоми 5 - бетда →



# РЕФЕРЕНДУМ — ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

← Давоми. Боши 4 - бетда

сининг мурожаатида кўрсатилган масала Сенатнинг тегишли қарори билан ҳам тасдиқлангандан сўнг амалга оширилиши таъкидланди.

Муҳокамалар якуни бўйича Конституциявий суд Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибига риоя қилинганлиги, референдумга қўйилаётган Конституциявий қонун лойиҳасида референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар мавжуд эмаслиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан референдум тайинлаш тартибига риоя этилганлигини аниқлади.

Конституциявий суд томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида”ги Конституция-

вий Қонун лойиҳаси ўрганилиб, референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар мавжуд эмас, деб топилди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси янги тахрири Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномалардаги мажбуриятларига ҳам мослиги аниқланди.

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ референдумга қўйилаётган “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳаси овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи томонидан ёқлаб овоз берилган тақдирда юридик кучга эга бўлади. Бунда рўйхатга киритилган фуқароларнинг ярмидан кўпи референдумда иштирок этган бўлса, Марказий

сайлов комиссияси референдумни ўтган деб топади.

Мажлисида Конституциявий Қонун лойиҳасининг референдумга қўйилишини бевосита демократия, халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий шакли ва ифодаси, эканлиги, Янги тахрирдаги Конституция лойиҳасининг референдумда халқ томонидан тўғридан-тўғри қабул қилиниши ушбу ҳужжатнинг олий юридик кучи ва мақомини янада мустаҳкамлаши, Конституциянинг 1-моддасида белгиланган Ўзбекистоннинг демократик Республика эканлиги ҳақидаги тавсифи, шунингдек, 7-моддасидаги халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи ҳисобланиши, 32-моддасидаги фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиши ҳақидаги конституция-

вий нормалардан келиб чиқиши ҳамда Конституцияга тўла мувофиқлиги таъкидланди.

Конституциявий суд муҳокама қилинган масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, иш бўйича тўпланган материаллар, тарафлар ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги 3017-IV-сон қарорини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топди ва тегишли қарорини эълон қилди.

<http://www.meningkonstitutsiyam.uz>

## МУЛОҲАЗА МУШОҲАДАГА ЧОРЛАЙДИ

**Кейинги пайтларда мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги фаолиятлар янада жадаллашиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб, халқимизнинг тиббиётга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Бунинг ифодаси сифатида айтиш жоизки, аввало, Давлатимиз раҳбарининг инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратаётган эътибор ва ғамхўрликлари ҳеч биримизга сир эмас. Айниқса, Президентимиз томонидан соҳага оид қабул қилинаётган ҳар бир меъёрий ҳужжатлар замирида инсон саломатлиги мужассам эканлигини кўрамиз.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида кўплаб самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасаси, тиббиёт олий таълим даргоҳлари ҳамда тиббиёт техникум ва коллежларида бўлганимизда у ердаги замонавий имконият ва кенг шароитлар эътиборимизни ўзига жалб этади. Бир сўз билан айтганда, юртимиз тиббиёт тизимида эришаётган ютуқларимиз бугун бутун дунё ҳам-жамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бораётганлигини яққол кўриб гувоҳи бўлмоқдамиз. Албатта, бу каби амалдаги муваффақиятларимиз билан фахрланамиз. Лекин, соҳада қўлга киритган ютуқларимиз қаторида йўл қўйган хато-камчилик ва муаммоларни инкор эта олмаймиз. Шундай экан, жорий йилда тизимдаги самарали фаолиятлар, келгусидаги режалар, шунингдек, мавжуд хато-камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдан ташқари Ҳайъат йиғилиши янгича форматда ўтказилиши режага киритилди.

Куни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлигида вазирликнинг навбатдан ташқари Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда вазирлик марказий аппарати масъул ходимлари, ихтисослаштирилган марказлар, тиббиёт олий ўқув юртлири ва худудий бо-

## РАҲБАРЛАР ЎЗ ЛАВОЗИМИДАН НИМА УЧУН ЧЕТЛАТИЛДИ?



шқарма раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов кириш сўзи билан очиб, тизимдаги фаолиятларга эътибор қаратган ҳолда вазирликнинг марказий аппарати ҳамда худудлар кесимида тизим ўзгарганлигини алоҳида таъкидлаб, ҳар бир масъул шахс ўз вазифаси нимадан иборат эканлигини билиб олиши муҳимлиги тўғрисида алоҳида тўхталди. Сўнгра кун тартибидан ўрин олган асосий масалалар бўйича Инвестиция ва грант лойиҳаларини мувофиқлаштириш бо-

шқармаси, “O‘zmedimpeks” масъулиятли чекланган жамият ва Болалар миллий тиббиёт маркази раҳбарлари, шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори амалдаги фаолиятлар ҳамда келгусидаги режалар бўйича маълумот бериб ўтди. Таъкидлаш муҳимки, мазкур масалалар бўйича маърузачилар фаолиятдаги самарали ишлар қаторида муаммо бўлиб турган айрим масалаларга ҳам тўхталиб ўтишди. Вазир Амрилло Иноятов маърузачилар томонидан тақдим этилган маълумотларни таҳ-

лил қилар экан, бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларга алоҳида алоҳида эътибор қаратиб, жиддий ёндошган ҳолда ўз вазифасига совуққонлик билан қараган айрим раҳбарларга ўз эътирозини билдирди. Вазир Амрилло Иноятов бунинг баробарида ханузгача тизимда бюрократик тўсиқлар учраб турганлигини афсус билан айтиб ўтди. Айниқса, аҳолини сифатли дори-дармон воситалари, тиббий буюм ва жиҳозлар билан таъминлаш,

лигига атрофлича тўхталди. Шундан келиб чиқиб, берилган топшириқ ва вазифалар ҳамда қўйилган талабларни ўз вақтида бажармагани сабабли “O‘zmedimpeks” МЧЖ директори А.Набиев, Болалар миллий тиббиёт маркази директори вазифасини вақтинча бажарувчи А.Шарипов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Шунингдек, ўз йўналишида етарли натижа кўрсата олмагани боис вазирликнинг Дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда жиҳозлар муомаласини тартибга солиш ва мурувват ёрдамини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Х. Ганиева ҳамда яна бир қатор масъуллар ҳам ишдан олингани маълум қилинди. Шу билан бирга вазирликнинг тегишли буйруғи асосида Даволаш - профилактика муассасаларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ва шу орқали аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича Президент топшириқларини етарли даражада бажармаган ҳамда ички меҳнат тартиби қоидалари бузилишига йўл қўйган Инвестиция ва грант лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажариб келган Н. Расулов ўз лавозимидан озод этилди.

Танқидий руҳда ўтказилган вазирликнинг навбатдаги Ҳайъат йиғилишида кўрилган асосий масалалар ва уларнинг хато-камчилик ҳамда муаммолари албатта, тизим фаолиятига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Шундай экан, тиббиётнинг асосий мақсади инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва асрашда ҳар бир раҳбар ўз фаолиятига жиддий ёндошган ҳолда виждон амри билан ишлаши муҳимлигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ибодат СОАТОВА,  
журналист



## КАСБИГА МУНОСИБ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

2023 йилнинг 11 март куни Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Тошкент давлат стоматология институти талабалари билан учрашди. Мазкур учрашувда вазир талаба-ёшларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларига эътибор қаратди. Уларни қийнаётган масалалар ечими юзасидан масъулларга муҳим топшириқлар берди. Ўз навбатида, режалаштирилётган янгиликлар хусусида тўхталди.

Вазир Амрилло Иноятов ўз фикрларини давом эттирар экан, тиббиёт ходими – инсонлар саломатлиги, қолаверса, тақдири ҳамда ҳаётига масъул шахс ҳисобланишини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, шифокорлик касби масъулиятли, машаққатли ва шарафли эканлигига атрофлича тўхталиб, касбига муносиб, қасамёдига содиқ мутахассислар тайёрлаш учун энг аввало, тиббий таълим тизими илғор бўлиши кераклигини айтиб ўтди. Бунинг баробарида Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" да асосий эътиборни тиббиёт ўқув юртли фаолиятини трансформация қилишга қаратиб, бу борада вазирлик бор имкониятларини ишга солишини алоҳида тилга олди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, стоматология институти Бутунжаҳон тиббий таълим федерацияси (WFME) томонидан халқаро аккредитациядан ўтган Ўзбекистондаги ягона олий таълим муассасаси ҳисобланади. Халқаро ISO сертификати эга. Битирувчилар дипломи жаҳон миқёсида тан олинади.

Таълим муассасалари иштирок этган "Times Higher Education" нинг 2022 йил учун "Impact" нуфузли халқаро рейтингидан Тошкент давлат стоматология институти ҳам муносиб ўрин эгаллагани фахрли натижадир.

Ҳозир институтнинг 5 та факультети, ма-

"Симуляцион марказ", 20 дан зиёд ўқув ва амалий лабораториялар, 30 дан ортик касбий тўғарақлар машғулотларни халқаро стандартлар ва илғор услублар асосида ташкил этиш имконини бермоқда.

Ўз навбатида, шу кунгача

Уларнинг 500 нафари АҚШ, Корея, МДХ давлатлари фуқароларидир. Қолаверса, талабаларга дарс бераётган 400 дан ортик педагогларнинг 60 нафари – Европа ва Осиё давлатларидаги етакчи университетлар профессорлари.

– Шу йил май ойида 11 та тиббиёт олий ўқув юрти талабалари орасидан "Соғлиқни сақлаш вазири стипендияси" ғолибларини эълон қиламиз, – дейди вазир Амрилло Иноятов. – У ҳар бир ОТМдан 5 нафар иқтидорли йигит-қизга, жами 55 нафар талабага ажратилиб, миқдори Ибн Сино номидаги давлат стипендиясига тенг бўлади. Қолаверса, стоматология йўналишида хорижий давлатларга билим ва малака ошириш учун юборилган талабалар ва педагоглар сони оширилади. Нанотехнология, IT-технология соҳаларини жадал ривожлантира- миз. Клиник кафедраларни тиббиёт марказларига жойлаштириш чораларини кўра- миз.

Шунингдек, вазир Амрилло Иноятов институтнинг 150 ўринга мўлжалланган ётоқхонаси сифими кичиклиги, ҳозирги мавжуд талабага жавоб бермаслиги боис яқин кунларда 450 ўринли замонавий талабалар тураржой биноси фойдаланишга топширилишини маълум қилди.

Учрашувда вазир Амрилло Иноятов иштирокчиларнинг барча саволларига жавоб берди. Бинобарин, институтда ташкил этилган "Симуляцион марказ" фаолияти билан яқиндан танишди.

Албатта, бу каби мақсадли учрашувлар, яратилган кенг имкониятлар талаба-ёшларнинг янада иштиёқ билан ўқишлари ва танлаган касбларига бўлган қизиқишларини орттиради.

Ибодат СОАТОВА.

## ВАЗИР ВА ТАЛАБАЛАР УЧРАШУВИ

Талабаларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифлари тиббий таълимнинг янада янги босқич сари қадам ташлаётганидан далолат беради, – дейди Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло ИНОЯТОВ



Бу ерга ўқишга қабул қилинган талабалар чет элдаги тенгдошлари каби илғор технологиялар орқали таълим олиши, институтнинг 140 дан ортик хорижий ҳамкор ташкилотларида ўз билим ва маҳоратларини ошириши мумкин.

Дунёнинг 110 та давлатидан 1500 дан ортик олий

гистратура ва ординатура йўналишларида жами 5058 нафар талаба таҳсил олмақда. Уларнинг 500 нафари АҚШ, Корея, МДХ давлатлари фуқароларидир. Қолаверса, талабаларга дарс бераётган 400 дан ортик педагогларнинг 60 нафари – Европа ва Осиё давлатларидаги етакчи университетлар профессорлари.

институт талабаларидан 6 нафари Президент стипендияси, 9 нафари номдор стипендиялар, 20 нафари Туркиянинг "Nobel" компанияси стипендиясига сазовор бўлди. Бундан ташқари, халқаро олимпиада ва танловларда 221 нафар, Республика миқёсида эса 300 дан ортик талаба фахрли ўринларни қўлга киритди.

## ҚЎШРАБОТДАГИ ОПЕРАЦИЯ 8 СОАТ ДАВОМ ЭТДИ

Самарқанд давлат тиббиёт университети клиникасида Туркиянинг Истанбул шаҳридаги "Medical Park" тиббиёт маркази мутахассислари билан ҳамкорликда жигар трансплантацияси амалиёти ўтказилди.

Бемор Саида Нурмуродова – 48 ёшда. Қўшработ туманидан. Бундан 3 йил аввал унга оғир хасталик – жигар циррози ташхиси қўйилган. Шундан сўнг вақти-вақти билан консерватив муолажалар олиб келган.

Бирок, даво чоралари кутилган натижа бермагач, ушбу университет клиникаси мутахассисларига мурожаат қилган. Касаллик терминал босқичга ўтгани сабабли уни ҳаётга қайтаришнинг ягона усули сифатида жигар кўчириб ўтказиш амалиёти тавсия этилган.

Тиббий текширувлардан сўнг беморнинг 1977 йилда туғилган укаси Аслиддин Алимов жигарининг бир бўлагини кўчириб ўтказиш учун барча кўрсаткичлар мос келган.

Самарқанд давлат тиббиёт университети клиникасида бажарилган опера-

ция 8 соат давом этди. Ҳозир бемор ҳамда донорнинг аҳволи яхши. Уларнинг ҳар иккаласи шифокорлар томонидан тиббий назоратга олинган ва



керакли тиббий муолажалар давом эттирилмоқда.

– Бундай мураккаб операцияни бажариш учун университетимиз кўп тармоқли клиникасининг хирургия бўлими юқори технологияли замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, — дейди олий ўқув

маркази, "Анестезиология, реанимация ва шошилиш тиббиёт" ва "1-ички касалликлар" кафедралари профессор-ўқитувчилари клиниканинг етакчи мутахассислари билан биргаликда Туркиянинг "Medical Park"

## 48 ЁШЛИ БЕМОР АЁЛГА ЎЗ УКАСИНING ЖИГАРИ КЎЧИРИБ ЎТКАЗИЛДИ

тиббиёт марказида бир йил давомида малакаларини ошириб қайтишди.

Режага кўра, турк мутахассислари билан имзоланган меморандум доирасида мазкур клиникада яқин келажакда йилига 50 га яқин жигар трансплантация амалиётини бажариш имконияти яратилади.

Намозжон ТОЛИПОВ.

юрти ректори Жасур Ризаев. — Қолаверса, "1-сон хирургик касалли-



АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

**Вокруг термина «ревматизм» существует определенная путаница. В этом материале разбираемся, что такое ревматизм, что называли ревматизмом раньше, и правильно ли называть так любую боль в суставах.**

**ЧЕМ ЧЕЛОВЕК БОЛЕЕТ, КОГДА ЕГО «МУЧИТ РЕВМАТИЗМ»?**

«Замучил ревматизм». Такую жалобу мы можем слышать от людей и встречать в книгах. Не исключено, что некоторые наши читатели и сами говорят так при утомительной боли в суставах. В то же время, не только врачи могут знать старый медицинский афоризм «ревматизм лижет суставы и кусает сердце». Он недвусмысленно указывает, что исключительно суставной патологией это заболевание не является. **То есть, понятие «ревматизм» не тождественно «артриту» и «артрозу». В чем же разница?**

Вокруг термина «ревматизм» существует путаница. Дело в том, что еще совсем недавно согласно российской классификации так называли острую ревматическую лихорадку. До сих пор на русскоязычной странице Википедии про «ревматизм» то можно прочитать именно об этой болезни. В то же время, международное медицинское сообщество (включая уже и российских врачей) использует слово «ревматизм» как собирательный термин для ряда болезней, среди которых есть и

**АРТРИТ И РЕВМАТИЗМ: В ЧЕМ РАЗНИЦА?**

нарушения со стороны суставов.

**«СТАРЫЙ РЕВМАТИЗМ» ИЛИ ОСТРАЯ РЕВМАТИЧЕСКАЯ ЛИХОРАДКА**

Острая ревматическая лихорадка – воспалительное заболевание, поражающее разные системы органов, которое развивается вследствие стрептококковой инфекции. Обычно его симптомы возникают на фоне невылеченных ангины или скарлатины, примерно через две недели после начала инфекции. При заболевании организм вырабатывает антитела к собственным тканям.

К симптомам острой ревматической лихорадки относят повышение температуры, боль в суставах (обычно в крупных), кольцевидное покраснение на коже (эритема), сла-

бость, подергивание мышц, боль в грудной клетке, безболезненные узелки под кожей. При выслушивании врачи часто слышат шум в сердце.

Самые тяжелые осложнения заболевания касаются именно

стать причиной сердечной недостаточности. Старый афоризм о ревматизме, сердце и сосудах, справедлив – суставы страдают гораздо меньше.

**РЕВМАТИЧЕСКИЕ БОЛЕЗНИ И АРТРИТ**

Ревматическими болезнями (ревматизмом) назы-


из этих патологий не касаются суставов.

Об артрите говорят, когда воспаляется один или несколько суставов. У артритов могут быть разные причины и течение. Например, при подагре артрит возникает, когда на суставных поверхностях откладываются кристаллы мочевой кислоты, а ревматоидный артрит развивается, когда их атакуют антитела. Соответственно, лечение для них тоже требуется разное.

**РЕВМАТОИДНЫЙ АРТРИТ – ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ И ЛЕЧЕНИЕ**

Ревматоидный артрит – системное заболевание суставов, чаще всего парных и множественных (кистей, запястья, стоп, реже крупных суставов). В отсутствие лечения заболевание может привести к инвалидности.

Таким образом, с одной стороны, при боли в суставах с медицинской точки зрения некорректно говорить «замучил ревматизм». У боли в суставах может быть много причин, требующих разных подходов в лечении. С другой – причины болей в суставах обычно относятся к ревматическим болезням, которыми занимается врач ревматолог. Однако, лечить артриты могут также и врачи других специальностей, включая врачей общей практики, ортопедов, специалистов по реабилитации.



вают большую группу воспалительных патологий суставов, мышц и мягких тканей. Многие из них имеют аутоиммунную природу, то есть, при них иммунная система вырабатывает антитела к тканям собственного организма.

ВОЗ указывает, что существует не менее 150 ревматических болезней. К ним относятся ревматоидный артрит, остеоартрит, анкилозирующий спондилит, системная красная волчанка, склеродермия, фибромиалгия и многие другие.

Ревматические болезни часто проявляются воспалением суставов. Боль в суставах, их отечность и скованность – их частые симптомы. Однако «ревматизм» и «ревматические болезни» – не синоним слову «артрит». Проявления ревматических болезней могут быть гораздо шире, многие

сердца. У перенесшего такую лихорадку может развиваться порок сердца. В этом случае какой-либо из клапанов (обычно двухстворчатый, который соединяет левые предсердие и желудочек) не полностью закрывается или, наоборот, хуже пропускает кровь. В отдаленной перспективе это может

**Международная группа ученых проанализировала данные 1201 крупного исследования о распространенности гипертонической болезни в 184 странах. Новая научная работа опубликована в The Lancet. Наряду с другими, в ней представлены данные из России.**

Авторы научной работы использовали математическое моделирование, чтобы оценить распространенность болезни в разных странах и долю людей, которые получают лечение от нее. Исследование показало, что количество больных гипертонией людей в мире к 2019 году удвоилось по сравнению с 1990 годом. От нее страдают до 626 миллионов женщин и 652 миллионов мужчин. Это увеличение произошло во многом благодаря росту количества населения и увеличению числа пожилых людей. В то же время, доля гипертоников среди лю-

дей 30-79 лет почти не изменилась – их остается около трети. Поменялось распределение заболеваемости в мире: она снизилась богатых странах, но увеличилась или оста-

Парагвае и Тувалу (более половины).

В России 41,2% женщин 30-79 лет страдают от гипертонии, 80% из них знают о своем диагнозе, 57% лечатся,

21,4% пациентов. Среди мужчин ситуация несколько хуже. С высоким давлением живут 47,3% из них, 67% знают о своей болезни, получают лечение 42,6%, контролируют

троль артериального давления достигается только для одной из четырех женщин и одного из пяти мужчин.

Контроль артериального давления у гипертоников улучшился по сравнению с показателями 1990 года в большинстве стран. Он остался на прежнем уровне в некоторых бедных странах Африки, Океании и Азии. В них лечение получает менее пятой части мужчин и менее 10% женщин с гипертонией.

«Несмотря на достижения медицины и фармакологии в последние десятилетия, глобальное прогрессирование лечения гипертонии замедлилось, и большая часть людей не получает лечения», – сказал профессор Маджид Эззати (Majid Ezzati) из Имперского колледжа Лондона, соавтор исследования.

**Ученые пишут, что существует срочная необходимость быстрого изменения подхода к снижению бремени гипертонии во всем мире.**

**Андрей УКРАИНСКИЙ, врач-терапевт.**

НАУЧНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ

**КОЛИЧЕСТВО ГИПЕРТОНИКОВ УДВОИЛОСЬ ЗА 30 ЛЕТ**

лась прежней в странах с низким и средним уровнем доходом.

Меньше всего гипертоников оказалось в Канаде и Перу (менее четверти взрослого населения). Наибольшее количество мужчин с высоким артериальным давлением оказалось в Аргентине и Таджикистане, женщин – в



контроля артериального давления удастся достичь всего

лезна, более половины не получают лечения. В мире кон-

свое давление только 14,1%.

Несмотря на простоту диагностики и наличие сравнительно недорогих лекарств, в мире около половины людей с гипертонией (41% женщин и 51% мужчин) не знает о своей болезни, более половины не получают лечения. В мире кон-



## ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти янги кампусининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовнинг табриги ўқиб эшиттирилди.

Маросимда вилоят маъсуллари, мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари ҳамда даволаш муассасалари раҳбарлари, хорижий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Меҳмонлар янги кампуснинг имкониятлари ва бу ерда жойлашган замонавий клиника ҳамда симуляцион марказ фаолиятига юқори баҳо берди. Таъкидлаш жоизки, мазкур бино қурилишига Президентимизнинг 2017 йил март ойида Бухоро вилоятига сафари давомида берилган топшириқлар асос бўлган эди.

Маълумот ўрнида: Бухоро давлат тиббиёт институти 1990 йилда ташкил топган. Бу ерда 8 та факультет ва 42 та кафедра, 12 та бакалаврият ҳамда 24 та мутахассислик бўйича магистратура йўналишлари фаолият кўрсатмоқда. Келгуси ўқув йилидан яна 2 та

янги факультет, 3 та кафедра, 1 та бакалаврият ва 6 та магистратура йўналишида мутахассислик очилиши кўзда тутилган. Кунфармацевтика таълимини модернизация қилиш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бо-

МАМЛАКАТИМИЗДА ТИББИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДАГИ  
ЙИРИК КАМПУС ИШ БОШЛАДИ

нинг иккинчи ярмида, янги фойдаланишга топширилган тиббиёт институти биносида мамлакатимиз тиббий олий таълим муассасалари ректорларининг раёсат кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда миллий тиббиёт ва

риш, шунингдек, талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга ошириш масалалари борасида сўз борди.

Намоз ТОЛИПОВ.

ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИГА  
АМАЛ ҚИЛИШ ЗАРУР

Айрим ҳудудларда эътиборсиз қолдирилган бинолар, вақтинча бўш турган иншоотлар ёнғин хавфи бор жойлар ҳисобланади. Хусусан, қурилиш тугамаган айрим биноларда тез аланга олувчи турли буюмларни тўпланиши ва қаровсиз қолдирилиши ёнғин келиб чиқиш эҳтимолини оширади.

Бундан ташқари, ҳовли уйларида содир бўлаётган ёнғинларнинг катта майдонга тақалиб кетишига, қурилишда ёнғинга қарши оралиқ масофаларни сақлаш керак. Шу билан бирга, икки қўшни хонадон оралиғида томни кесиб ўтувчи 60 сантиметр баландликдаги ва каллиниги 12 сантиметрдан кам бўлмаган ёнғинга қарши деворлар билан ажратиш зарур. Уй томининг ёғоч панжаралари ўтга бардошли бўлиши учун унга суюқликлар билан ишлов бериш, иситиш печкаларини қоидага мувофиқ ўрнатиш зарур. Ёнғин муҳими, бинодан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги таъминлашнинг оддий қоидаларига риоя этиш каби тадбирлар орқали иморатларни ёнғиндан сақлашга эришилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишининг гизни сўраймиз.

Музроб ТУРСУНОВ,

“Қорасув Қароргоҳи” Давлат резиденцияси  
ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ мутахассиси, катта сержант.

НОСТАНДАРТ ҚУРИЛМА ВА  
ҚЎЛБОЛА УСКУНАЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Маълумки, бугунги кунда соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Мазкур тадбирлардан кўзланган мақсад, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва ёнғин вақтида қандай ҳаракатланиш ҳамда ёнғинларни олдини олишга эътибор қаратишдан иборатдир. Шу ўринда айтиб ўтиш жонинг олдинки, ёнғинларнинг олдинки олиш фақат-хавфсиз-ходимла-балки фуқародир. Аҳо-хавфсиз-рига риоя қилиш борасида тушунтириш, очиқ оловдан фойдаланилаётганида эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ ускуналарини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола тайёрланган ускуналарни ишлатмаслик, белгиланган жойларда чеки зарурлигини эслайтиб ўтамиз.

Ушбу қоидаларга риоя қилинса, ҳар бир фуқаро ўзи ва яқинларининг ҳаётини ҳам асраб қолган бўлади.

Ҳасан НИҒМАТОВ,  
А. Навоий номидаги Давлат Академик  
катта театри ЁХТТЭБ  
мутахассиси, катта сержант.

O'zbekistonda  
sog'liqni saqlash

ZDRAVOOXRANENIE UZBEKISTANA

Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.

Электрон манзилми: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир  
Амрилло ИНОЯТОВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев  
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.  
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 724 дона.  
Буюртма рақами Г-335.

Босмахонага топширилиш вақти: 21-00. 3 4 5 6 7  
Топширилди 20-00.

## Республика Узбекистан

Finansirovanie Islamskogo banka razvitiya № UZB0074  
Проект «Программа стратегической готовности и реагирования на пандемию COVID-19»

Закупка медицинского оборудования для Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии

## Запрос коммерческих предложений № UZB/RfQ/03

Министерством здравоохранения Республики Узбекистана было опубликовано приглашение на подачу коммерческих предложений № UZB/RfQ/03в следующих средствах массовой информации:

30 декабря 2022 года на сайте Министерства здравоохранения Республики Узбекистан;

30 декабря 2022 года на сайте Tenderweek.com;

30 декабря 2022 года на сайте ООО "O'zmedimpeks".

Настоящим Министерство здравоохранения Республики Узбекистан информирует о результатах проведения вышеуказанных торгов.

## РЕЗУЛЬТАТЫ ПРОВЕДЕНИЯ ВЫШЕУКАЗАННЫХ ТОРГОВ

№ Лота	Наименование участника	Страна участника	Общая сумма присужденного контракта
1	Norvale Company GmbH	Германия	EUR 675 825,00
2	Orville Services LLP	Великобритания	EUR 423 900,00
3	Ogawa Seiki Co Ltd.	Япония	USD 311 000,00
4	Повторные торги		
5	Повторные торги		

Объединенная Группа Реализации Проектов ул. Паркентская, д. 51, г. Ташкент, 100007, Республика Узбекистан, ТашИУВ Тел. (+998 71) 268-12-13, 268-25-39, Факс (+998 71) 267-73-47 e-mail: idb.ses@gmail.com

## The Republic of Uzbekistan

Islamic development bank financing No. 0074

Strategic Preparedness and Response Program for COVID-19 pandemic

Procurement of medical equipment for Republican specialized scientific and practical medical center for surgery

## Request for Quotations No. UZB/RfQ/03

The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan published request for quotations No. UZB/RfQ/03 in the following media:

December 30, 2022 on the website of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan;

December 30, 2022 on Tenderweek.com;

December 30, 2022 on the website of the "O'zmedimpeks" LLC.

The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan hereby informs about the results of the above tender.

## RESULTS OF THE ABOVE tender

Lot No.	Name of Participant	Country of Participant	Total Price of Contract Awarded
1	Norvale Company GmbH	Germany	EUR 675 825,00
2	Orville Services LLP	United Kingdom	EUR 423 900,00
3	Ogawa Seiki Co Ltd.	Japan	USD 311 000,00
4	Re-tender		
5	Re-tender		

## United Project Management Unit

51, Parkentskaya st., Tashkent, 100007, Republic of Uzbekistan, TashIUV  
Tel. (+998 71) 268-12-13, 268-25-39, Fax (+998 71) 267-73-47

e-mail: idb.ses@gmail.com; idb.ses@gmail.com

## ВАҚТ ШУНДАЙ НАРСАКИ:

Унда юра оласан, югура оласан, аммо тўхтата олмайсан. Ундан хурсанд бўлишинг мумкин, аммо хафа бўлолмайсан. Ўтаётган ВАҚТ қадрини Ота Онангизда кўринг, болаларингизда кўринг. Нолиман, ВАҚТ бу имтиҳон. Ҳаёт эса бир катта мактабдир...

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва таълим бошқармаси жамоаси бошқарманинг бош мутахассиси Манзура Абдусаматовага фарзанди

## САРДОРЖОННИНГ

вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.